

Раззок Абдурашид тошкентлик. У 1936 йили таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, 1953—1958 йилларда Тошкент Давлат дорилфунуни филология факултетининг журналистика бўлимида тахсил кўрган. Сўнгра, 1958—1964 йилларда «Гулхан» ойномасида, 1964—1966 йилларда эса «Ленин учкуни» рўзномасида, 1961—1969 йилларда «Ёш гвардия» нашриётида ишлаган. 1969—1971 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида маслахатчи, Республика Радиосида мухаррир, 1979 йилдан то шу кунгача Гафур Гулом нашриётида етакчи мухаррирдир. Унинг биринчи шеърлар тўплами 1962 йилда «Йўл бошида» номи билан чоп этилган. Шундан буён ўндан ортиқ шеъррий тўпламлар, кўплаб дostonлар ҳамда болалар учун шеъррий асарлар яратган,

Унинг «Кафтимда олам» (1969), «Калбим кўлингда» (1970), «Юлдузлар хаёли» (1975), «Сукунат», «Ёруглик» (1983), «Оталар чироги» (1986), «Йўл ўртасида» (1988) каби тўпламлари чоп этилган. Шунингдек, шоирнинг «Юлдузлар хаёли», «Тошфарёд», «Умрдан лавхалар» каби бир катор дostonлари ҳам мавжуд.

Болалар учун эса «Бувимнинг эртаклари» (рус тилида), «Куёнполвоннинг эртаклари» каби китоблари ҳам; яратилган. Шунингдек, шоирнинг «Приток» (1979) тўплами рус тилида Москвада чоп бўлган. У таржимон сифатида С. Вургун, М. Жалил ва Е. Исаев асарларини ўзбек тилига ўгирган. Шоир барча асарларида Она Ватан мадхи, меҳри, ёр васли ва согинчи, гўзал табиат манзараларини куйлайди.